O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 12-iyul • Payshanba • 82 (27.727) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июль куни Оқсаройда Японияниинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумотони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.

Ю.Кусумото 2004 йилнинг сентябридан буён Ўзбекистонда Япония элчиси вазифасини бажариб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик кўлами барча жабҳаларда кенгайиб бораётганини таъкидлаб, элчининг юртимиздаги фаолиятига юксак баҳо берди.

Ю.Кусумотонинг мамлакатимиздаги элчилик даврида Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик юксак даражада ривожланди. Хусусан, ўтган йили Японияниинг ўша пайтдаги Бош вазири Жунъичиро Коидзуми расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу Япония Бош вазирининг нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасига биринчи ташрифи бўлди. Ушбу ташриф 2002 йилда Токиода ўтган Ўзбекистон-Япония саммитининг узвий давомидир.

Ҳозирги кунда икки томонлама муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бормоқда. Турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, кўплаб учрашувлар, кўргазма, семинар ва форумлар ташкил этилмоқда.

Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Ўзбекистон Японияниинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олиши тарафдори. Япония Ўзбекистондаги ислоҳотларни, мамлакатимиз раҳбарининг Марказий Осиё Умумий бозорини яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Япония ташқи сиёсатида Ўзбекистон ва минтақамизнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, интеграция жараёнларини фаоллаштириш мақсадида «Ипак йўли дипломатияси» ва «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми шаклланган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, янги режалар ишлаб чиқади.

(Давоми 2-бетда)



2. ЙЎЛ ҲАМ ҚУЁШГА ЎХШАЙДИ



«Ўзбекистон овози»нинг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилишидаги мухбирлик пунктидан махсус мухбиримиз **Абдурасул ЖУМАҚУЛ** ҳикоя қилади:

МЎЪЖИЗАНИ МАТОНАТЛИ КИШИЛАР ЯРАТМОҚДА

Чиндан ажиб манзара: чор-атроф тоғу тошлар, кенг даралар, туялар карвони каби ўркач-ўркач қирлар... «Табиатнинг ўзи энг буюк рассом», — деб бежиз айтишмаганда. Бу ерларнинг шаффоф табиати, сирли ва сеҳрли таровати ҳар қандай кишини ўзига ром этади...

Гарчи ёзнинг иссиқ жазирамаси бўлса-да, гарчи тоғу тошлар қизиб қуёш оловидан тоғзамин тафти кўтарилиб борса-да, темирйўлчиларнинг иш мароми бир зум ҳам сусаймайди.

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилиши «штаби» жойлашган сойликда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бош менеджери — бош муҳандиси Акбар Шукуров билан қисқа фурсат суҳбатда бўлдик.

— Қурилиш ишлари жуда қизғин паллада. «Эрта тонгдан», деган гаплар айни чоғда биз учун эмас. Чунки тонг ҳам, шом ҳам ёки ярим тун ҳам — бизга бирдек — иш суръатини пасайтирмасликка ҳаракат қилаяпмиз, — деди у.

Сўнгра бу ердаги масъул қурилиш бошлиқларига тегишли топшириқларни берди-да, биз билан хайрлашаркан: Мен «Бухоро»да бўламан, — дея шошилиб жўнаб кетди. Бошлиқнинг охирги гапига бироз ҳайрон қолганимизни сезган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Азимбой Қурбонов:

— Бу ердаги ҳар бир қурилиш участкасига юртимиздаги бир вилоятнинг номи берилган. Жами 11 та участкада иш олиб бориляпти. Биз ҳозир сизлар билан хў-в ана у жойга, — у киши рўпарамиздаги баланд қирликка ишора қилиб сўзида давом этди, — Қоработқоқ дарасида ишлаётган «Самарқанд» участкасига борамиз.

Қурилиш йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғининг кузови чанг ва қизил тупроқ билан қопланган «УАЗ»ига ўтирдик. Жуссаси ихчамроқдан келган, ўрта бўйли, оёғига этик кийиб олган, ёши 50 лар чамасидаги чаққон ва вужудидан ғайрат жўшиб турган ҳамроҳимиз Азимбой ака жуда хушчақчақ, самимий одам экан.

Паст-баланд, ўнқир-чўнқир тоғ нишабликларидан иборат бўлган йўлда у турли ичакузди ҳангомалар, латифалар сўзлаб борарди.

— Бу жойларда ишлаётган қурувчилар, булдозерчи-ю, экскаваторчилар билан ҳам шундай ҳазил-ҳузул қилиб гаплашиб кетавераман, — дейди у. — Чунки шунда кайфият яхши бўлади, иш мароми ҳам қўнгилдагидек бўлади.

— Бу қурилишларда меҳнат қилишнинг ўзи жасорат. Энг савобли меҳнат, — деди ҳамроҳларимиздан бири.

— Ҳа, йўл қуриш, кўприк бунёд этиш дунёдаги энг савобли иш дейишади. Бу гапга юз фоиз қўшиламан, — деди Азимбой ака ҳамроҳимизнинг сўзини тасдиқлаб. — Биласизларми, нимага? — Чунки йўл ҳам қуёшга ўхшайди...

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларига ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 15525 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 30750 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 15525 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 30750 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 18625 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 10 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармонига

ШАРҲ

Фуқароларнинг моддий фаровонлигини муттасил ошириб бориш, аҳолининг аниқ ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилнинг охирига келиб 187,6 минг сўмга ёки 150 АҚШ долларига етди. Айни вақтда ушбу кўрсаткич саноатда 301,4 минг сўмни, алоқа тизимида — 293,8 минг ва транспорт тизимида — 285,9 минг сўмни ташкил этди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2006 йилнинг ўзидагина 44 фоиз, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари эса, моддий рағбатлантиришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 2 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармон мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳақи ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириб боришни таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги Фармони билан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча тоифалардаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар шу йилнинг 1 августидан бошлаб 1,25 баравар оширилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари:

— маориф соҳаси ходимларининг — 100 минг сўмдан, шу жумладан ўқитувчиларнинг — 117 минг сўмдан ошади;

— соғлиқни сақлаш ходимларининг кўпайиб, 87 минг сўмга етади,

шифокорларнинг эса — 128 минг сўмдан ошади.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори амалдаги 12420 сўм ўрнига 15525 сўмни ташкил этади. Шунга мувофиқ, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП ҳаёти

«МУСТАҚИЛЛИК — ИСЛОҲОТЛАР — ДЕМОКРАТИЯ»

Юртимизда истиқлол туфайли кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган «давра суҳбати»да ҳам алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган, «Мустақиллик — ислоҳотлар — демократия» деб номланган ушбу анжуманда партия марказий сайланма органлари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Тошкент вилоят ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар, экспертлар, фаоллар иштирок этдилар. Суҳбатни кириш сўзи билан очган партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлашнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти бениҳоя катталигини таъкидлади.

— Мустақиллик бизга юртимизда фуқаролик жамиятини қуриш имконини берди, — деди у. — Юртимизда мустақиллик шарофати ила парламент демократияси қарор топди. Бу шак-шубҳасиз мамлакат тараққиёти, элимиз фаровонлигига хизмат қилади.



2-бет

САРА КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот кутубхона марказида кўҳна Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан яратилган сара китоблар тақдимоти ўтказилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳомийлигида «Фарғона» нашриётида чоп этилган китоблар мажмуаси ўзининг тарихий манбаларга бойлиги, ноёб маълумотлар жамланганлиги, ўзида қадим шаҳар ўтмиши, маънавий, маданий ҳаёти ҳақидаги манбаларни мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради.

Тарихшунос Нодир Абдулаҳатов ва Ўктам Эшонбобоевнинг «Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари» китоби ҳунармандлар юртининг ўзига хос зиёратгоҳлари ҳақида атрофлича тушунчалар беради. «Увайсий издошлари» китоби эса Марғилонда ижод қилаётган маърифатпарвар ёш марғилонлик шоира қизларнинг сара ижодий иш намуналарини ўзида жамлаганлиги билан китобхонларга манзур бўлди. Шунингдек, Исмоил Маҳмуд Марғилонийнинг «Ишқ саодати», фарғоналик ижодкорларнинг «Марварид Марғилоний» жамоа тўпламлари китобхонларнинг уста-ҳунармандлар юрти, қадим маскани ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилади.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, қутлуғ тўй муносабати билан нашр этилган китоблар жамламаси кутубхона ахборот ресурс марказларига бепул тарқатилади.

Расул КАМОЛ,
«Туркистон-пресс».

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда Япония билан ҳамкорликда очилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Японияниг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), «Мицуи», «Мицубиси», «Сумимото», «Нише Иваи», «Иточу», «Тойота Цусе» каби йирмадан зиёд йирик корпорациясининг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратган. Самарқанддаги автомобиль заводидан «Исузу» русумли автобуслар чиқа бошлагани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир. Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги даврда Японияниг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми салкам 2 миллиард АҚШ долларига етди.

Гуманитар ҳамкорлик борасида айниқса илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонлик саккиз юздан зиёд мутахассис JICA йўналиши бўйича Японияда малака оширди. Ўтган йили Японияда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фондининг ваколатхонаси очилгани маданий ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ислом Каримов бу хайрли тадбирларнинг барчасида Юичи Кусумотонинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади, элчига келгуси фаолиятида муваффақият тилади.

Ю.Кусумото ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан қайтаётганини, бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшажагини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармонига

ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ошириш Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан таъминланади. Ушбу мақсадлар учун 2007 йилнинг охиригача салкам 460 миллиард сўм маблағ қўшимча равишда ажратилади.

Мазкур Фармонда хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш билан боғлиқ ҳолда ошириш ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақини оширишнинг ишончли манбаларини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг бошидаёқ хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси эса 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди. Шунинг ҳисобига бўшайдиган 104 миллиард сўмдан кўпроқ миқдордаги маблағ хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини оширишга мақсадли тартибда йўналтирилади.

Умуман олганда, Республика Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишини 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар оширишдан иборат кенг миқёсли дастурнинг амалга оширила бошланиши, деб билиш керак.

МЎЪЖИЗАНИ МАТОНАТЛИ КИШИЛАР ЯРАТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Гап шу ерга келганда у ҳайдовчига юзланиб:

— «Шу ерда тўхтат!» деган маънода ишора қилди. Унинг йўл ҳақидаги гапи чала қолди. Азимбой ака эпчиллик билан машинадан тушиб:

— Мана шу ер Қоработқоқ дарасининг энг тепа жойи. Бу ёғи Пистамозор кенгликлари. У худди бир умр шу ерларда яшаб келаётган тоғликларга ўхшаб сўзларди:

— Мен қайси жойга борсам, ўша ернинг номи ҳақида суриштираман. Чунки бу номларда гап кўп экан. Биринчидан номларда тарих, ўтмиш яширинган бўлади.

— Хўш, бу жойларни нега Қоработқоқ дейишар экан? — — сўрадим Азимбой аканинг гапларидан кейин табиий қизиқишим ортиб. У менинг саволимни роса истаб турган одамдай яна берилиб сўзлай кетди:

— Шунинг учунки... бу даранинг тупроғи қоп-қора, бу — биринчидан. Кейин тоғу тошларга макон бўлган бу ерда «ботқоқ» нима қилсин, деб ҳайрон бўлманглар. Агар осмондан тўрт томчи ёмғир тушса, бу ердан умуман юриб бўлмайди. Чинакамига ботқоқ бўлади-қолади. Шу боис бежизга шунақа ном олмаган.

— Э, қойил-е, ака, ўзиям Бойсун тоғларида юриб салкам тарихчи — олим бўп кетибсиз-ку!

Азимбой Қурбонов бу мақтовдан ростакамига завқи ошиб:

— Тарихчи деганларингизга яна бир гап эсимга тушяпти, — деди. — Биласизларми нима, ривоят қилишларича, худди мана шу ерларда бир замонлар ғоят қирғин-барот жанглар бўлган экан. Ҳалиги... ким эди, ҳа, Эрон шоҳи — Кир ва унинг қўшинларини Тўмарис момомиз шу дараларда боплаб адабини берган экан-да...

Очиғи, йўлсозларнинг сардори бўлган ғайратли бу инсоннинг шу қадар билимли, қизиқувчан ва ижодкорона қалб соҳиби эканлигига тан бермасдан бўлмади.

— Айни пайтда мана шу маскандан Шўробсойга қадар 7-8 километрлик ўта оғир участкаларда иш кетаяпти. Насиб бўлса «Олтин қозиқ» қоқиладиган кунларга ҳам яқин қолди, — дейди Азимбой ака мамнун.

Машинага ўтириб бироз тепага йўл олдик. Бунда — Қоработқоқ ва Пистамозор дарарини боғловчи улкан қир бағрида тош жинсларини портлатиш йўли билан тош-тупроқлардан тозалаш, йўлни пасайтириш давом этаётган экан.

— Тоғ қояларини, метиндай қаттиқ сангтупроқли баландликларни фақаттина портлатиш йўли билан кўчириш мумкин, — дейди ана шу соҳанинг мутахассиси Собир Аҳмедов. — Бу борада ходимларимиздан ўта ҳушёрлик ва аниқ ҳолда ўз вазифасини уддалаш талаб этилади. Шу боис, ҳар бир портлатиладиган участкада авваламбор, қурувчилару техника воситалари белгиланган ҳудудга кўчирилади... Сўнгра улкан бульдозерлар пўлат излар ётқизиладиган йўлни тупроқдан тозалайди, қудратли экскаваторлар ҳар бир «ҳовуч»ида 2-2,5 куб метр тупроқ юкламоқда.

Масалан, асли ўзи Қарши шаҳридан бўлган Комил Раҳмонов «КамАЗ» автомашинасида бир кунда, аниқроғи бир иш сменаси — 12 соатда 400 куб метргача тупроқ ташиётган экан.

— Яхши ишлаган ҳар бир қурувчими ёки техника бошқараётган ҳайдовчими, фарқи йўқ — яъни 15 кунлик меҳнати давомида 400-450 минг сўмгача иш ҳақи олишяпти, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ходимлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдуфаттоҳ Ғойибназаров. — Ишчиларга барча зарур шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат, 4 маҳал иссиқ овқат, дам олишлари учун ҳам имкон қадар қулайликлар яратилган. Айни пайтда 3,5 минг нафарга яқин «аср қурилиши» иштирокчиларининг ҳар бирига кунига бир ярим литрлик минерал сув ҳам бериляпти.

Сухбатимизга ўзини «Қарши» участкасининг устасиман, деб таништирган Садриддин Ҳамроев қўшилди.

— Ўтган йили институтни тугатгандим, — деди у. — Мана бир йилдирки, шу ерда меҳнат қилаяпман. Биласизми, юртимиздаги ана шундай буюк қурилишда ишлаётганимдан, менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам қўшилаётганидан бахтиёрман...

...Тўш вақти бўлганини сезмай қолдик. Гарчи тоғ ҳавоси бўлсада, кун товадек қизийди. Аммо бунга қурувчилар писанд этишмайди.

— Қурувчиларнинг «зиёфати»га нима дейсиз, қани биз билан мухбирлар ҳам бир тушлик қилсинчи, — дея самимий тарзда таклиф қилди йўлсозлар билан иш маромини кузатиб, зарур топшириқ, тавсиялар бериб ёнимизга қайтган Азимбой ака Қурбонов.

— Бугун тушликка нима экан?

— Ош, — жавоб қилди ошпаз йигит.

—Ў, қандай соз! Ўлдирса ош ўлдирсин, — деди Азимбой ака шўхлик билан. Унинг бу ҳазил гапидан барчанинг кайфияти янада кўтарилди.

Тушлик пайти у кишидан, йўл ҳақидаги боя чала қолган гапни сўрадик:

— Йўлни қуёшга ўхшайди, дедингиз...

— Ҳа-а, у гапми — бир хаёлга келди-да, — деди кулиб Азимбой ака. — Лекин бу «ўхшатишим»да ҳам барибир жон бор деб ўйлайман. Мана осмонга қаранг, қуёш қандай нур сочиб турибди. У барчани бирдай сийлайди, яхшига ҳам, ёмонга ҳам, каттага ҳам, кичикка ҳам — бир хил нур сочади, иситаверади. Йўл ҳам худди шундай-да. Ундан яхши ҳам ўтади, ёмон ҳам. Катта ҳам, кичик ҳам. Худди шундай у авлодларга беминнат хизмат қилаверади. Шунинг учун йўл равон бўлса — одамлар манзилига қийналмай, осон етади. Агар йўл носоз, ўйдим-чўқдим бўлса, мушкуллашади. Шундай экан, йўл қурган энг савобли иш бўлмай, нетсин! Қолаверса, инсон умрини ҳам йўлга қиёслаш мумкин: одам боласи туғилади — умр йўлишу. Одам ҳаётда фақат равон йўллардан юрмайди, ҳаётнинг пасту баландликларидан ўтади...

Лекин шуни айтишим керакки, Президентимизга минг бор раҳмат, халқимизнинг эртаси порлоқ, йўллари нурафшон бўлсин, дея ана шундай бетаккрор темир йўл қурилишлари мамлакатимизда амалга оширилмоқда. Зеро, бу улуғ ишлар самараси ғоят каттадир.

Бу ажойиб, дилкаш қурувчининг ана шундай теран, ўринли сўзларига қўшилмай илож йўқ эди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

ЎзХДП ҳаёти

«МУСТАҚИЛЛИК – ИСЛОҲОТЛАР – ДЕМОКРАТИЯ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳтарам Президентимизнинг давлат ва жамият бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш борасидаги ташаббуслари жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини янада ривожланишига, сиёсий партияларнинг Ватанимиз равнақини таъминлашга реал таъсир этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини нишонлашга кенг тайёргарлик кўрилаётган бугунги кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бошқа ташкилотлар қатори байрамни кўтаринки руҳ ва кайфиятда кутиб олмоқда. Аҳоли ўртасида байрамни ғоявий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу йилги байрамнинг шиори «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» эканлиги халқимиз, айниқса электоратимиз ўртасида мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини, партия тизимининг барча бўғинларида, айниқса маҳаллаларда уюштиришни тақозо этади. Чунки айнан мустақиллик, озодлик бизга ҳур фикрлаш, мустақил сиёсат юритиш, кенг кўламли ва чуқур ислоҳотлар олиб бориш имконини берди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига назар ташласак, улар иқтисодий, сиёсий, демократик ривожланишнинг ушбу даражасига фақат мустақиллик туфайлигина эришганининг гувоҳи бўламиз. Ҳеч бир давлат мустамлака ёки иккинчи бир мамлакатга қарам бўлиб тараққиётга эришиши мумкин эмас. Шунинг учун шу юрт фуқаролари сифатида унинг озодлигини қадрлаш, янада мустаҳкамлаш, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Фахриддин РАЖАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш мустақил мамлакатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади. Бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратишга 1991 йилдан буён жуда катта эътибор қаратиб келинаяпти. Аввало, меҳнатга қобилиятли ишсиз аҳолини банд қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилаяпти. Тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Ғайратли, шижоатли, бозор муносабатлари талабларини ўзлаштирган кишилар мулкдор бўлиб нафақат юртимиз, балки, жаҳон бозорларини ҳам забт этишмоқда. Ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларни давлат томонидан муҳофаза қилишнинг механизмлари мустаҳкамланди. Бу йил мамлакатимиз давлат бюджетининг 54 фоизи ижтимоий масалаларга ажратилгани, «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганининг ўзи фикримизнинг исботидир.

Яна бир муваффақиятимиз, демократиянинг тобора шаклланиб, мустаҳкам илдиз отиб бораётганидир. Биз маълум даражада парламент демократиясига эришдик. Бу жараён энди маҳаллий Кенгашлар даражасида ҳам ривожланиб бораяпти. Тошкент шаҳри, вилояти, Бухоро ва Жиззах вилоятларида бўлганимизда партиямиздан сайланган депутатлар сайловчилар билан учрашувларда ўртага ташланган масалаларни доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳларида муҳокама этиб, уларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқишга ҳаракат қилаётганларининг гувоҳи бўлдик.

Рустам ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Асосий мақсадимиз Ўзбекистонни иқтисоди ривожланган, салоҳиятли ва қудратли мамлакатга айлантириш. Иқтисодий ислоҳотлар замирида ана шу масалалар ётади. Мен, бугун юртимиздаги барқарор иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, саноат, қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида кенг тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Чунки, буларнинг барчасини ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб, жараёнларда иштирок этиб турибмиз. Биргина мисол қилиб «Аср қурилиши» номини олган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли барпо этилаётганини айтмоқчиман. Бу нафақат мамлакатимиз ички темир йўл тизимини ривожлантириш, балки, ўша жойлардаги мавжуд минерал хомашё, қазилма бойликларни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Ҳудудда аҳоли пунктлари пайдо бўлади. Қайта ишлаш корхоналари вужудга келади, саноатимиз янада тараққий этади. Шунинг ўзи ҳам халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратишга кенг имкониятлар очади.

Нормурод МАМАТОВ, Тошкент молия институти фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор, ЎзХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси:

— Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошланган.

Албатта, ҳаётимиздаги улкан муваффақиятлар осонлик билан қўлга киритилмади. Кўникиб қолганимиз эски турмуш тарзи, эски қарашлар ўрнига янгича дунёқараш, тафаккур юзага кела бошлади. Натижада биз ўзимиз интилаётган жамиятнинг асосларини мустаҳкамлаб, яна дадил илдамлашга эришмоқдамиз...

Шунингдек, давра суҳбатида Фалсафа ва ҳуқуқ институти профессори Инобат Ҳошимова, ЎзХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси, профессор Руфат Раззоқов, Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти Маргарита Аҳметбекова, ЎзХДП Янгийўл шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Соли Бойматов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси бўлим бошлиғи Маҳмуд Исаев ва бошқалар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Қизғин савол-жавоблар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Юртимиз истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган бундай анжуманлар энди ЎзХДП минтақавий ва маҳаллий кенгашларида ҳам бўлиб ўтади.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Инсон ва табиат

ЎРМОНЗОРЛАР — ЯШИЛ «ФАБРИКА»ЛАР

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ўрмон ҳавосида саноат марказларининкига қараганда минг баробар кам чанг ва ғубор мавжуд. Дарахтлар, буталар 66-78 килограммгача қаттиқ зарраларни ушлаб қолишга қодир бўлиб, бу ҳаводаги аралашма таркибининг 40-80 фоизини ташкил этади. Уларга 72 фоиз чанг ва 60 фоизгача олтингугурт гази ўтириб қолади. Бир гектар майдондаги дарахтзор эса ҳаво таркибидаги карбонат-ангидрид газининг 68 тоннаси ва бошқа аралашмаларни ўзлаштиради. Натижада бир йилда 18 миллион куб метр ҳавони тозалайди, чўл ҳудудларидаги бир туп ўрта ёшли саксовул дарахтининг ўзигина 3-5 тоннагача қум заррачаларини тутиб қолар экан.

СОҲА ТАРИХИГА БИР НАЗАР...

Манбаларда айтилишича, мин тақамизда ўрмонзорлар ва боғ-роғларни барпо этиш ишлари эрамиздан бир неча йиллар илгари бошланган. Аждодларимиз азал-азалдан катта-катта майдонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазганлар, кўкаламзорлаштириш каби юмушлар билан шуғулланганлар. Улар Она ватанимиз барча даврларда «жаннатмакон ўлка» сифатида эътироф этиб келинишига муносиб ҳисса қўшганлар. Юртимизда боғ-роғлар, дарахтзор-ўрмонларни кўпайтиришга эътиборнинг энг ёрқин намунасини айниқса, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг амалий фаолиятида яққол кўришимиз мумкин.

Тарихчи олим Шарафиддин али Яздий ўз асарларида ер табиати, ўсимликлар дунёси, ўрмонзорлар ҳақида, қолаверса, Амир Темурнинг айни шу масаладаги жонбозлиги ҳақида батафсил ёзиб қолдирган.

«...Соҳибқирон Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирон қарич ерни ҳам қаровсиз, бўш қолдиришни ўзига эп кўрмасди» деб ёзади олим.

Манбаларда шундай қизиқ маълумотлар бор: XV аср бошларида Кастилия қироли Генрих III ўз элчиси Рюи Гонсалес де Клавихони Соҳибқирон Амир Темур ҳузурига — Самарқандга жўнатади. Ўша даврларда бу ердаги тўкин ва фаровон ҳаётни ўз кўзи билан кўрган элчи ватанига қайтиб, 1582 йилда Севилья шаҳрида, таассуротлари жамланган «Буюк Темур тарихи» номли китобини чоп эттиради. Клавихо ўз асарида ўлкамиз табиий географияси, унинг боғ-роғлари, ўрмонлари, Мурғоб дарёси ҳавзаси тўғрисида батафсил маълумот берган.

Ўзбекистонда ўрмонзорларни ўрганиш ва манбаларда қайд этиб бориш ишлари XIX асрнинг охирларига келиб янада ривожлана борди. Минтақамиздаги кўчувчан қумларга қарши ўрмон ҳимоя полоса (йўлак)лари яратиш каби катта ҳажмли амалий ишлар бажарилди.

ҲАЁТБАХШ ЯШИЛЛИК

Ўрмонлар — табиий комплекс (мажмуа) бўлиб, тоғ ва тоғолди ҳудудларида жарликлар пайдо бўлиши хавфининг олдини олишда, сув танқислиги муаммосини ечишда, сел ва бошқа ёғинлар натижасида юзага келадиган тупроқ емирилишларига қарши курашда, чўл ҳудудларида қум кўчишининг олдини олишда, дашт ва яйловлар ҳолатини яхшилашда, суғориладиган майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ўрмонзорлар тоза сув сақловчи, тупроқ ва ҳаводаги намликни мўътадиллаштириб турувчи, қурилиш саноати учун ёғоч ва иккиламчи материаллар етказиб берувчи, мевалар, озиқ-овқат ҳамда доривор ўсимликларнинг битмас-туганмас манбаидир.

Биз ўрмонларнинг ана шундай беминнат хизматини ҳар доим ҳам қадрлай олаяпмизми? Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, ўрмонларга ёққан ёмғир сувларининг бир қисми дарахтлар баргларида тутилиб, ер юзасига тушаётган томчилар оқимини маълум муддатга сусайтиради. Бу жараён тупроққа сувнинг кўпроқ сингишига имкон яратади. Шунингдек, дарахтзорларга ёққан қор узоқ вақт сақланиб, кеч эрийди. Бу тоғ булоқлари суви кўпайишига замин ҳозирлайди. Тоғ ўрмонлари баҳор пайтлари рўй берадиган қор кўчкиси ва турли табиий офатлардан ҳимоя воситаси ҳам бўлиб, жарлар ва тоғ ёнбағирларини мустаҳкамлайди.

Муротбой ҒАНИЕВ, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш, табиатни асраб-авайлаш бугунги кунда давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки, экологик хавф замирида бутун бир давлат манфаатлари, қолаверса, унинг кўп миллионли аҳолиси тақдири ва келажаги ётади. Тарихда қум кўчиши билан боғлиқ нохушликлар — Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида нафас олиш органларининг «ришта» касаллигини келтириб чиқарганлиги ва бундан бир қанча кишилар азият чекканлиги, бу муаммо шаҳар атрофида «яшил қалқон» барпо этиш йўли билан бартараф этилганлиги (ёки бўлмаса Жиззахда «пашшахўрда» касаллиги билан боғлиқ мисоллар) бунга ёрқин далил бўла олади. Ёхуд биргина туп гужум нафас йўлларига тушиши мумкин бўлган 300 килограммгача қум заррачаларини тутиб қолишининг ўзиёқ, ўрмонзорлар аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон кам ўрмонли мамлакат ҳисобланади. Мамлакатимиз ўрмонлари фанда I-гуруҳ ўрмонзорлари тоифасига киради ва бу тоифадаги ўрмонлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин эмаслиги, улардан фақат экологик вазиятни яхшилаш мақсадларидагина, фойдаланиш кўзда тутилган. Марказий ва Шарқий Осиёдаги 23 давлат ичида ўрмон билан қопланганлик даражаси бўйича Ўзбекистон 9-ўринда туради. Бугунги кунда Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига қарашли ер майдонлари 8 миллион 513 минг гектар бўлиб, шундан ўрмонлар билан қопланган қисми 2,8 минг гектарга тенг ёки 5,3 фоизни ташкил этади.

XORIJDA

12 ЙИЛЛИК ЎРТА ТАЪЛИМ

ВА УЧ БОСҚИЧЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Қозоғистон парламентининг юқори палатаси «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни маъқуллади. Унга кўра, эндиликда мамлакатда 12 йиллик ўрта таълим жорий этилади. Олий таълим эса уч босқичли бўлади — бакалавриат, магистратура ва докторантура.

Бу эса таълим тизимининг халқаро андазалар билан интеграциялашувига имкон яратади, дея хабар беради «Газета.ru» сайти.

МУХОЛИФАТДАГИ ПАРТИЯ СЕЙМНИ

ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ ТАКЛИФИ БИЛАН ЧИКДИ

Польшанинг мухолифатдаги «SLD» («Демократик сўл кучлар иттифоқи») партияси фракцияси сейм (парламент)ни тарқатиб юбориш ва муддатдан аввал парламент сайловлари ўтказиш таклифини ўртага ташлади. Сабаб: мамлакатда сиёсий инқироз юз берди.

Гап шундаки, Польша полицияси ўтказаётган коррупция билан боғлиқ тергов-суриштирув ишларига алоқадор бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, мамлакат президенти бош вазир ўринбосари, қишлоқ хўжалиги вазири, «Самооборона» партияси етакчиси Анджей Лепперни истеъфога чиқаргач, ҳукумат таркибидаги ўринлар бўйича

иккинчи ўринни ишғол этган «Самооборона» партияси ҳукумат коалициясидан чиқиши ҳақида баёнот берди. Бу эса мамлакатда сиёсий инқирозни юзага келтирди. Парламентни тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш масаласи инқироздан тезроқ чиқиб кетишнинг ягона йўли сифатида мухолифат томонидан илгари сурилмоқда. Парламент вице-спикери, мухолифатдаги «SLD» партияси етакчиси Войчех Олейничакнинг айтишича, навбатдан ташқари парламент сайловлари шу йил августда, узоғи билан сентябрда ўтказилиши лозим.

Бош вазир Ярослав Качинский ҳам агар «Самооборона» партияси ҳукумат коалициясидан чиқса, у ҳолда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилиши мумкинлиги ҳақида Польша радиосига берган интервьюсида алоҳида таъкидлаган.

Яна шуни айтиш керакки, ҳозир «Права и справедливость» ҳукмрон партияси вакиллари «Самооборона» вакилларини коалиция таркибидан чиқмасликка ундашмоқда. Аммо кўпчилик сиёсатчилар Польшада навбатдан ташқари сайловлар ўтказилишига ишонмоқдалар, дейилади «Associated Press» АА ахборотида.

ЭСКИ АВТОМОБИЛЛАР

МОСКВА ШАҲРИГА КИРИТИЛМАЙДИ

Москва шаҳар думаси яқин кунларда шаҳарда транспорт ҳаракатини тартибга солиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишни мўлжаллаб турибди.

Ушбу қонун кучга киргач, двигатели «Евро-2» стандартларига жавоб беруччи, экологик тоза машиналаргина шаҳар марказида ҳаракатланишига рухсат этилади.

Москва шаҳар думасининг экологик сиёсат бўйича комиссияси раиси Вера Степаненкодан олган манбаларга асосланиб, «Эхо Москвы» радиостанцияси бу ҳақда хабар тарқатди.

«Биз Лондон тажрибасини ўрганиб чиқдик, — деди у. — Автомобиллар кириши чекланган ҳудудларга видеокамералар ўрнатилади. Бу эса ҳудудга кирган автомобилларни аниқлашда ва агар киришга рухсати бўлмаса, уларга нисбатан чора кўришга имкон яратади».

Маълумки, Москвада автомобиллар сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Москва шаҳар транспорт ва алоқа департаменти раҳбари Леонид Липсицнинг гапларига қараганда, шаҳарда транспорт бир йилда 150 мингтага кўпаймоқда. «Агар автомобиллар сонининг ортиши шу кўйи давом этса, яна 12 йилдан сўнг биз ҳам Европа даражасига етиб оламиз, яъни ўшанда фақат болалар ва қариялардагина автомобиль бўлмайди. Қолганларнинг барчасида биттадан автомобиль бўлади. Европада минг аҳолига 500-550 та автомобиль тўғри келади. Бизда эса ҳозирги кунда 300 та тўғри келмоқда», деди у.

Бироқ автомобилнинг кўпайиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқаришидан кўз юммаслик лозим: кўчаларда транспорт тиқинлари пайдо бўлади, улардан чиққан тутун нафақат атроф-муҳитга, балки кишилар соғлиғига салбий таъсир қилади. Шунинг учун шаҳар маъмурияти шаҳар экологиясини сақлаб қолиш мақсадида одамларни электромобиль ёки гибрид двигателли машиналардан фойдаланишга чақирмоқда.

2008 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН

ЕВРОГА ЎТАДИ

Европа Иттифоқининг молия вазирлари йиғилишида 2008 йил 1 январдан Кипр ва Мальта ҳудудида евро пул бирлиги муомаласи жорий этилишига рухсат берилди.

Келишувга кўра, 0,585274 Кипр фунти ва 0,4293 мальта лираси 1 еврога тенг деб баҳоланди.

«Cuprus Mail» нашри хабар беришича, шу йил сентябрдан Кипрда нархлар ҳам фунтда, ҳам еврода қайд этилади.

Маълумки, евро пул муомаласига ўтган охирги давлат Словения эди. Эндиликда Мальта билан Кипр ҳам қўшилмоқда. Шундай қилиб, «еврозона»даги давлатлар сони 15 тага етади. 2009 йилдан Словакия ҳам еврога ўтади. Эстония, Латвия ва Литва ҳам еврога ўтиш иштиёқида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Аммо бу республикаларда пул қадрсизланиши даражасининг юқорилиги еврога ўтишга халақит бермоқда.

ПОРА ОЛГАНИ УЧУН

ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛДИ

Хитойнинг озиқ-овқат ва дори-дармон сифатининг назорати бўйича давлат бошқармаси бошлиғи, 62 ёшли Чжен Сяоюй пора олганликда айбланиб, қатл этилди.

«AFP» АА маълум қилишича, Чжен Пекин шаҳар суди томонидан май охирида ўлим жазосига ҳукм қилинган. У ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, амал курсисида ўтирган пайтда дори ишлаб чиқаришга (клиник тажрибадан ўтказилмаган) лицензия бериш учун 6,5 миллион юан (850 минг доллар атрофида) миқдорида пора олган.

12 июнда Чжен суднинг юқори инстанциясига мурожаат этди, яъни тергов-суриштирув давомида у барча айбларини бўйнига олганини, терговга ёрдам берганини айтиб, ўлим жазосини бошқа жазога алмаштиришини сўраган. Бироқ 22 июнь куни унинг илтимоси рад этилди.

Пекин шаҳар суди ҳукмини ХХР Олий халқ суди ҳам тасдиқлагач, ҳукм яқинда ижро этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Чжендан лицензия олган компания дориларидан одамлар заҳарланган ва бир нечтаси ҳаёт билан видолашган.

ХИЁНАТ УЧУН

ОҒИР ЖАЗО

Эроннинг Казвин музофотидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Жафар Киани оиласини иснодга қўйиб, турмуш ўртоғига хиёнат қилгани учун қишлоқ аҳли томонидан тошбўрон қилинди.

Ушбу ҳодисани Эрон Адлия вазирлиги ҳам тасдиқлади, аммо қишлоқнинг номини ошкор этмади, дея хабар беради «AFP» АА.

Эронда амал қилаётган қонунларга кўра, эрга ёки хотинга ҳиёнат учун тошбўрон қилиш жазоси ҳануз мавжуд ва одатий ҳол ҳисобланади. Бироқ, 2002 йили суд маъмурияти раҳбари Маҳмуд Ҳошимий Шоҳруди тошбўрон жазосини бекор қилиш ҳақида кўрсатма берган эди. Шундан сўнг, Адлия вазирлиги мамлакатда тошбўрон қилишга ҳукм чиқариш амалиёти давом этаётганлиги ҳақидаги ҳар қандай гумонларни рад қилиб келди.

Июнь ойида Эрон оммавий ахборот воситалари маъмурият Казвин музофотида бир киши тошбўрон қилиш орқали ўлимга ҳукм этилишининг олдини олиб қолганлиги тўғрисида ёзишди. Айрим манбаларга қараганда, ўшанда гап айнан Жафар Киани ҳақида кетган эди.

Аммо яқинда барибир тошбўрон амалга оширилди.

Ахборот агентлигининг эслатишича, тошбўронга ҳукм қилинган эркакнинг қўллари орқага боғланиб, белигача ерга кўмилади. Аёл эса бўйнигача кўмилади ва тошбўрон қилинади.

Бугунги Прага

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР ВА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БАКАЛАВР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

— математика ва информатика (таълим тили: ўзбек ва қозоқ тилларида);
— физика ва астрономия (таълим тили: ўзбек тилида);
— кимё ва экология (таълим тили: ўзбек тилида);
— биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги (таълим тили: ўзбек тилида);
— география ва иқтисодий билим асослари (таълим тили: ўзбек тилида);
— тарих (таълим тили: ўзбек ва рус тилларида);
— тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (таълим тили: ўзбек тилида);
— педагогика ва психология (таълим тили: ўзбек тилида);
— меҳнат таълими (таълим тили: ўзбек тилида);
— мусиқий таълим (таълим тили: ўзбек тилида);
— ўзбек тили ва адабиёти (таълим тили: ўзбек тилида);
— хорижий тиллар ва адабиёти (инглиз тили) (таълим тили: ўзбек ва рус тилларида);
— миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари (таълим тили: ўзбек тилида);
— бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (таълим тили: ўзбек ва қозоқ тилларида);
— мактабгача таълим ва болалар спорти (таълим тили: ўзбек тилида);
— жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (таълим тили: ўзбек ва рус тилларида);
— дефектология (таълим тили: ўзбек тилида);

АБИТУРИЕНТЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси);
3. «086-У» шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
5. Паспорт (нусхаси топширилади) ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади;
6. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажига эга бўлганлар учун);

БАКАЛАВР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМГА:

— бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (таълим тили: ўзбек ва қозоқ тилларида);
— мактабгача таълим ва болалар спорти (таълим тили: ўзбек ва рус тилларида);
— тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (таълим тили: ўзбек тилида);
— жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (таълим тили: ўзбек ва рус тилларида);
— меҳнат таълими (таълим тили: ўзбек тилида);
— мусиқий таълим (таълим тили: ўзбек тилида);
— миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари (таълим тили: ўзбек тилида);

АБИТУРИЕНТЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси);
3. «086-У» шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
5. Паспорт (нусхаси топширилади) ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади;
6. Меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма (меҳнат дафтарчасининг асли кўрсатилади);

Махсус сиртқи бўлимга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлар, мактабгача таълим ва болалар спорти мураббийларини бакалавр тайёрлаш учун ҳужжатлар қабул қилади.

Ҳужжатлар 2007 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Абитуриентлар бир кунда — 1 август куни тест синовларидан ўтадилар.

МАГИСТРАТУРАГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Математика.
2. Физика.
3. Кимё.
4. Биология.
5. Тарих.
6. Ўзбек тили.
7. Ўзбек адабиёти.
8. Педагогика (таълим турлари бўйича).
9. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият.
10. Адабиёт (рус адабиёти).
11. Бошланғич таълим.

МАГИСТРАТУРАГА КИРУВЧИЛАР — БАКАЛАВР ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР, ДИПЛОМЛИ МУТАХАССИСЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

1. Олий таълим муассасасининг ректори номига магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ариза;
2. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; (иловаси билан бирга);
3. «086-У» шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
5. Паспорт (нусхаси топширилади) ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади;

Ҳужжатлар 2007 йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) 3-10 август кунлари ўтказилади.

Луқма

«ҲАВАСКОР»

КАБОБПАЗЛАР

Яқинда Урганч шаҳрида янги иш бошлаётган ошхона тақдимотига таклиф қилишди, бордик. Барака топсин, роса ҳашаматли қилиб қуришибди. Ёзги ва қишки овқатланиш ўринлари, мўъжаз фаввора, анвойи гуллар. Буни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Жиҳозлари ҳам европача: ялтироқ ликопча, қошиқ ва санчқилар. Шарқона либосда хизмат қилаётган ходимларга эса таъриф йўқ.

Дабдабали очилиш маросимидан сўнг дастурхонга таклиф қилишди. Турли хил суюқ-қуюқ таомлар, сомса ва кабоблар кетма-кет келди. Қисқаси, шу тақдимотда бир ҳамроҳимиз (асли касби ошпаз) овқатлардан гап очди: «Шунча пул сарфлаб, бундоқ қўли гул ошпаз топмабди-да!?»

Аввалига унинг гапига ҳайрон бўлдим. Кейин ўша ошхона ҳақида батафсилроқ билиш ниятида эгасига қўнғироқ қилиб, ошпазларининг маълумоти, қаерда ўқиганлиги тўғрисида сўрадим. Тадбиркор эса бунга ажабланиб, «ошпазликка қаерда ўқийди, уйида ўрганган-да» дея қисқа жавоб қилди...

Ҳозир айни ёз. Кўча-кўйда турли пиширик сотувчи, кичикроқ бўлса-да жой очиб олиб, шу жазирама иссиқда сақлай олишига кўзи етса-етмаса турли хил овқатлар билан савдо қилувчи «тадбиркор»лар кўпайиб кетган. Бозордаги худди шундай йигитлардан бирининг асли касби болалар шифокори экан. Мўмай даромад кетидан тушган бу биродаримиз «бир думалаб» кабобпазга айланиб қолибди. «Ҳар куни беш юзтагача кабоб сотаман, ҳар донасидан фалон сўмдан соф фойда қолади, ака. Шу десангиз, ойига илгариги оладиган маошимдан уч-тўрт баробар кўп даромад топиб турибман-да!» — дейди у. Қарасам, унинг устида оқалли оқ халати ҳам йўқ экан...

Ҳазорасп деҳқон ва кийим-кечак бозори. Атрофда турли-туман овқатланиш нуқталари бетўхтов ишлаб турибди. Чанг-тўзон бир ёғу қўлиқўлига тегмаётган ошпазларнинг ёғ босган кийимлари бир ёқ... Иштаҳангиз бўғиладиқолади. Бозорга ул-бул харид қилиш учун тушган одамларнинг кўпчилиги қорни очганидан ўша «ошпаз»лар тайёрлаган таомлардан ейишга мажбур. Қизиғи, бу ерда боягидек ҳолатни истаганча учратиш мумкин: асли ошапазликдан хабари йўқ ҳаваскорлар бемалол савдо қилишмоқда.



Хоразмда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос таомлари ҳам тайёрланади. Бундай ошхоналарда ўша ҳудудлардан таклиф қилинган ошпазлар хўрандаларга хизмат кўрсатишади. Аммо, уларнинг ҳеч бўлмаганда бирор-бир ихтисослашган мактаб ёки ҳунар масканларида ўқигани ҳақидаги маълумот бор-йўқлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди.

— Бизга овқат масаллиғи, ошхона тозалиги муҳим. Сифатини эса хўрандалар белгилайди, — деди санитария-эпидемиология идораси масъул ходимларидан бири. Солиқ идораси ходимларини эса, албатта, тушумлар ва ундан тўланадиган солиқ миқдори қизиқтиради, холос. Аҳолига хизмат кўрсатаётган ушбу тармоқ ходимларининг касбий тайёргарлиги, маълумоти, ошпазлик сир-асрорларидан хабари бор-йўқлиги билан қизиқадиган ташкилотлар фаолияти кўп ҳолатда билинмайди ҳам.

Балки сиз ўша «ошпаз»лар ҳунарини уйида ёки бирор қўлигул ошпаздан ўргангандир, дейишингиз мумкин. Афсуски, уларнинг аксарияти ҳаваскорлар, холос. Тўй-томоша ва ахён-ахёнда овқат пишириш бошқа-ю, юзлаб хўрандага ҳар куни таом тайёрлаш бошқа. Айниқса, ёзнинг жазирамасида масаллиқларни сақлаш, санитария талабларига риоя қилиш учун эса ҳеч бўлмаганда ошпазлик мактабининг бошланғич маълумоти керак.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Деярли барча тармоқлардаги ишчи-ходимлар ҳар йили аттестациядан ўтказилади. Аммо ошпаз, сомсапаз, кабобпазларни ана шундай кўрикдан ўтказиш, уларнинг ҳам сарасини саракка, пучагини пучакка ажратишга нега эътибор берилмаяпти? Балки бу иш шаҳарлардаги йирик овқатланиш шохобчаларида амалга оширилар, лекин бозор ва кўчалардаги ҳаваскор ошпазларда бу тажриба қўлланилмаяпти.

...Яқинда бир танишим овқатдан заҳарланиб, бир ойлар чамаси касалхонада ётиб чиқди. Шифокорлар ёрдами билан омон қолди. «Бозордаги ошхонада икки сих кабоб егандим. Худо сақлади, бир ўлимдан қолдим», дейди у афсус билан.

Ундан ўша кабобпаз устидан ҳеч қаерга шикоят қилмадингизми, деб сўрадим. Танишим эса синиқ жилмайиб: «Қайси ошпаз сифатсиз овқат сотганини тан оларди, бари бефойда. Яхшиси, уйда овқатланган яхши экан», деди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Республикамиздаги мавжуд ўрмон фонди ерларининг 7 миллион гектаридан зиёдини чўл ҳудудлари, 758,53 минг гектарини тоғ ва тоғолди, 277,1 минг гектарини водий ҳамда дарё бўйларидаги майдонлар, 112,4 минг гектари эса алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, давлат ўрмон фонди ерларининг қарийб 87 фоизини чўллар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз ўрмончилари олдида ўрмонзорлар майдонини кўпайтириш, мавжудларини асраб-авайлашдек, муҳим вазифа турибди. Шунингдек, Орол денгизининг қуриган қисмларида қумлар кўчишининг олдини олиш мақсадида фитомелиоратив ишлар олиб борилаётир.

Саҳро ва чўл зоналарида ўрмонларни қайта тиклаш ва янгидан барпо этиш ҳажмлари йилдан-йилга кўпайтириб борилаётир. У умумий ўрмон барпо этиш ҳажмининг 75-80 фоизини ташкил этади. Орол денгизининг қуриган қисмида ҳар йили 20 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этиш ишлари бажариб келинмоқда ва келгусида бу ишлар кўлами яна да кенгайтирилиши кўзда тутилган.

Ўрмонзорларимиз ҳар йили 30 минг гектарга кўпаймоқда. Лекин кўчат экиш жараёнида илмий технологияларга ҳар доим ҳам қатъий амал қилинмаётир. Оқибатда, уларнинг бир қисми қуриб қолмоқда. Ҳозирги кунда ўрмон хўжалиги, қатор вазирлик, идора ва муассасалар, хусусий тадбиркорлик субъектлари тасарруфида кўплаб дарахтзорлар мавжуд. Уларни парваришлашни илмий асосда ташкил этиш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кўчат етиштиришда янги технологияларни жорий этиш, ўрмон хўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаш ва мавжуд ходимлар малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ўрмонларни ёнғиндан, дарахтларни ўзбошимчалик билан кесишдан ҳамда ўрмонга зарар етказадиган бошқа салбий омиллардан муҳофаза қилишни ташкил этиш, республика ўрмон фонди ерларида ўрмонларни қўриқлашга раҳбарлик қилиш, ўрмон патологиясини назорат қилишни, шунингдек, ўрмон зараркунандалари ҳамда касалликларини ҳисобга олиш ва уларга қарши курашиш ҳам долзарб масалалар қаторида турибди...

Акмал ИСМАТОВ, Бош бошқарманинг «Қўриқхоналар, ов хўжалиги ва миллий боғлар» бошлиғи ўринбосари:

— Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжалиги бошқармаси таркибида 6 та давлат қўриқхонаси, Зомин давлат миллий табиат боғи мавжуд бўлиб, улар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киради. Шунингдек, тасарруфимизда 6 та ўрмон-ов хўжаликлари ҳам фаолият кўрсатаётир.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда илмий ходимларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий жараёнлар кечиши устидан илмий-тадқиқотлар ўтказиш, қўриқхона ҳамда миллий боғда шаклланган табиий комплексларни, табиат ёдгорликларини, сув объектлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси эталони, нодир участкалар табиийлигини сақлаш, мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, ундан оқилона фойдаланиш устида илмий-тадқиқотлар ўтказишларига имкон яратилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда бугунги кун ҳолатига 1015 ўсимлик ўсиши, умуртқали ёввойи ҳайвонларнинг 350 тури яшаши аниқланган. Ўсимликларнинг 66 тури, ёввойи ҳайвонларнинг 46 тури Халқаро ва Ўзбекистон «Қизил китоб»ларига киритилган.

Алижон МАМАТКАРИМОВ, «Шифобахш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи:

— Республикамиз аҳолисини, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати корхоналарини доривор ва озиқ-овқат ўсимликлари хомашёсига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2006-2010 йилларда шифобахш ўсимликлар етиштириш, тайёрлаш ва бирламчи қайта ишлаш борасида бир қатор ишлар қилинаётир. Доривор ўсимликларнинг хомашё базасини яратиш мақсадида ихтисослашган ўрмон хўжаликлари томонидан 496,5 гектар кўп йиллик ўсимликларни маданий ҳолда экиб, ўстириш ва парваришлашга эътибор қаратиляпти.

Олим ҚАҲҲОРОВ, Манзарали, боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий-ишлаб чиқариш маркази директори ўринбосари:

— Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфига 3 та ўрмон хўжалиги, 8 та ўрмон ишлаб чиқариш участкалари, 7 та ўрмон тажриба станциялари ва «Ўрмонмаш» давлат корхонаси бириктирилган. Республика шароитида ноёб манзарали дарахт, бута ва ҳар хил гулларнинг (мовий ель, тяншань ели, қрим қарағайи, метосеквая, оқ қайин, каталпа, шумтол, кипарис, «компактний туя», япон беҳиси, фарзиция, самшит, берсеклет, қизил баргли олча, сирень ва ҳоказолар) истиқболли навларини марказимиз тасарруфидаги хўжаликлар томонидан етиштириш ва кўпайтиришнинг аниқ дастури ва режалари ишлаб чиқилмоқда.

✧✧✧

Мутахассислар фикрларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз табиатини янада фусункор этиш, унинг бетакрор манзараларини сақлаб қолиш, экологик вазиятни яхшилаш борасида катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Лекин ўрмончиликни ривожлантириш, мавжуд ўрмонзорларни асраб-авайлаш, тармоқни сердаромад соҳага айлантириш учун ҳали мавжуд муаммоларни ҳал этиш керак бўлади. Ўшанда мамлакатимизда ёғоч ва бошқа маҳсулотлар кўпаяди, арзон бўлади. Бундан аҳоли ҳам, ўрмончилар ҳам бир хил наф кўрадилар. Шунингдек, ўрмон саноати орқали республикамизга қўшимча валюта олиб кириш имкониятлари ҳам яратилади.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТМИШИ БУЮК

БУГУНИ НУРАФШОН ШАҲАР



Ер юзининг сайқали бўлмиш қадим Самарқанд ўзининг бой тарихи, бетакрор қиёфаси ва теран илдизлари билан башариятни ҳайратга солиб келаётган дунёдаги муборак шаҳарлар сирасига киради. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган турфа рангли нафис кошинлар билан зийнатланган асрий обидалар дунёвий билимларни, айниқса, миллий меъморчилик илму амалини санъат даражасига кўтарган уста-нақкошлар, мусаввир ва қўлигул бинокорлар тафаккурининг маҳсули бўлиб, бу анъаналарни давом эттириб, бойитиб келаётган авлодлар меҳнатига ҳар қанча тасаннолар айтсак оз.

Самарқанднинг асрлар давомида даврнинг ўта мураккаб босқичларида изчил ривожланиб, жаҳолат тўсиқларини енгиб, юксак илм-маърифат масканига айланганини том маънодаги жасорат намунаси дейиш мумкин. Мана шу тарихий ҳақиқатни тан олган жаҳон аҳли бу кўҳна ва навқирон шаҳар ўтмиши ҳамда бугунига катта қизиқиш билан қарайди.

Самарқанд замон тўфонларига қудратли кўксини тутган баҳодир шаҳар. Бу улуғ заминга бойлик илинжида бостириб кирган не-не ғанимлар қадимий шаҳар довруғига соя сололмади.

Шўро замонида ҳам кўплаб тарихий обидалар, масжид-мадрасалар, хонақоҳ ва мақбаралар оёқости қилиниб, бойликлар ташиб кетилгани ҳеч кимга сир эмас. Шукрки, юртимиз эришган мустақиллик туфайли қадимий Самарқанд замини ҳам янгича руҳ, ўзгача қиёфа касб эта бошлади. Олис мозийдан мерос бўлиб қолган осори-атиқалар халқимизнинг бебаҳо мулкига айланди. Кўҳна ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, шаҳарнинг асл тарихини қайта тиклаб, уни бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказишга давлатимиз муҳим эътибор қарата бошлади.

Бугун уч босқичли ҳудудда жойлашган тарихий обидалар йилдан-йилга ўз тарихий мавқеини тиклаб бормоқда. Биринчи ҳудуд VI-VII асрлардан то XII асрга қадар ҳаёт қайнаган илму маърифат ўчоғи бўлмиш Афросиёб ёдгорликлари мажмуидир. Афросиёбда шу кунга қадар учта тарихий обида сақланиб қолган бўлиб, булар Хўжаи Ҳизр масжид мажмуаси, Шоҳи Зинда мажмуаси ва Хўжа Дониёр мақбараларидир. Ушбу муборак қадамжолар Юртбошимизнинг ташаббуси билан тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди. Атрофларидаги ноўрин барпо этилган иморатлар олиниб, кўркам хиёбонлар барпо этилди. Иккинчи ҳудуд — Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг пойтахти сифатида барпо этилган шаҳар бўлиб, бу асосан шаҳарнинг эски шаҳар қисмини ўз ичига олади. Атрофи 11 километрлик мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳарда Регистон, Оқсарой, Бибихоним, Руҳобод, Гўри Амир, Сароймулкхоним мадрасаси каби ўнлаб тарихий обидалар қўним топган. Шунингдек, Амир Темур салтанатининг пойтахтида юздан ортиқ маҳалла марказлари бўлган. Ҳозир улардан 85 нафари аниқланиб, улар атрофи ободонлаштирилмоқда. Учинчи ҳудуд эса XIX-XX асрларда барпо этилган янги шаҳар бўлиб, у ердаги тарихий иншоотлар сақланган ҳолда янги-янги замонавий иморатлар бунёдкорлиги йўлга қўйилган.

— Ўтган асрнинг 50-60 йилларига келиб шаҳарнинг иккинчи ҳудуди атрофида тарихий обидаларга бефарқ муносабатда бўлиб, турли хил ўринсиз иморатлар қурилиши авж олган, — дейди Самарқанд Тарихий обидалардан фойдаланиш ва сақлаш давлат назорати бошлиғи Майсара Набираева. — Ҳозирда улуғ қадамжолар атрофи ободонлаштирилиб, кўркам хиёбонлар барпо этилди. Бири иккинчисини такрорламас масжиду мақбаралар оралиғида сайёҳу зиёратчилар учун қулай имкониятлар яратилди.

Ҳазрати Ҳизр масжидидан Шоҳи Зинда мажмуасига, ундан Бибихоним мақбарасига ва Сароймулкхонимнинг ҳоклари қўним топган мадрасага кўзингиз тушади. Бибихоним мақбарасини зиёрат қилган ҳар қандай кишининг эътибори Регистон мажмуига тушади. Регистон мажмуасидан шундоққина кўриниб турган Руҳобод мадрасаси ва Гўри Амир мақбараси шаҳарга янада ўзгача кўриниш ва жозиба бағишлаб турибди. Ҳозирги пайтда узоқ йиллар қаровсиз ҳолатда қолган Оқсарой мақбараси атрофи ободонлаштирилиб, тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилмоқда. Шунингдек, қурилиш-тиклаш ишлари Сароймулкхоним, Тиллакори мадрасаларида ҳам олиб борилмоқда. Регистон мажмуаси, Руҳобод мақбараси ва Гўри Амир оралиғида бир пайтлар ноўрин қурилган собиқ спирт заводи бутунлай олиб ташланиб, ўрнида кўркам хиёбон барпо этилди.

— Сароймулкхоним мадрасаси деярли одамлар эътиборидан четда қолганди, — дейди «Меъмор Ҳайдарсервис» МЧЖ раҳбари Бахтиёр Умаров. — Юбилей муносабати ва ҳукуматимизнинг ташаббуси билан эски шаҳарда туб ислоҳот олиб борилди. «Кечки бозор» мақбара қуйи қисмидан бутунлай кўчирилди. Ўринсиз қурилиб қолган савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари олиб ташланди. Атрофида кўркам хиёбон барпо этилди.

Маълумотларга кўра, Самарқанд шаҳрида ҳозирги кунда 14 та археологик, 618 та архитектура ёдгорлиги мавжуд. Уларнинг барчаси 2001 йилда халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг рўйхатига киритилган бўлиб, бугун шаҳарнинг қадимий ва тарихийлигини тиклаш мақсадида 15 босқичда кенг кўламли ишлар кетаяпти. Юбилей арафасида бир нечта халқаро аҳамиятга эга обидаларни таъмирлаш баробарида Регистон ва Бибихоним мажмуалари оралиғидаги 7 та қадимий маҳалла марказлари ҳам қайта тикланмоқда. Бажарилган ишлар 2006 йилда ЮНЕСКО томонидан ўрганилиб, юқори баҳо берилгани Самарқандда юбилейни ўтказишга катта тайёргарлик кўрилаётганидан далолатдир.

Бу муаззам шаҳарнинг улуғвор пештоқлари, равоқлари, минора ва гумбазлари қаршисида турганда хаёлан тарихга саёҳат қиласиз ва аждодларимизнинг жасоратига, ақлу матонатига тасаннолар айтасиз. Бугун бутунлай янгича руҳ ва замонавийлик касб этаётган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги шодиёналари билан ҳамоҳанг нишонланади. Бу эса буюк тарихимизнинг истиқлол туфайли юзага чиққани, ҳақиқат қарор топаётганидан ёркин далолатдир.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2007 ЙИЛНИНГ 13,17,20,24,27,31 ИЮЛЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 16-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг:

— 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 379 бўлган «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.***

— 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 321 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.***

Тошкент шаҳар. Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уйда жойлашган Тошкент давлат авиация институтининг давлат рақами 10 AW 882 бўлган «Опель-Вектра» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 3 180 000 сўм.***

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 902 бўлган «ГАЗ-53 автоцистерна» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 2 300 000 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION»ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-23-40.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

АЁЛЛАРГА ҚАРАГАНДА

ЭРКАКЛАР КЎП ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Эркаклар аёлларга қараганда йўл қоидасини кўп бузар экан ва аёлларга нисбатан икки баравар кўп жарима тўлашаркан. Россия молиявий тадқиқотлар миллий агентлиги ўтказган сўров-кузатув натижалари шундан далолат бермоқда.

Агентлик бош директори Юлия Барабановнинг айтишича, умуман тўловлар орасида энг оммавий тус олгани коммунал тўловлар экан. Алоқа хизматлари учун тўловлар иккинчи ўринда тураркан. Кишилар солиқ тўловларига ҳам ҳурмат билан қарайди. 40 фоиз аҳоли айнан шундай фикр билдирган.

Доимий амалга ошириладиган тўловлар орасида Интернет ва суғурта хизматлари ҳам ўрин олган. 14 фоиз аҳоли Интернет учун, 9 фоизи эса суғурта учун ўз вақтида тўловни амалга оширяпти.

(Газетанинг навбатдаги сони 17 июль, сешанба куни чиқади).

AFC ASIAN CUP 2007 7-29 July INDONESIA MALAYSIA THAILAND VIETNAM

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

КЕЧА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ЭРОН ФУТБОЛЧИЛАРИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШДИ

XIV Осиё чемпионати қатнашчилари гуруҳ босқичи дастлабки тур баҳсларини якунлашди. Куала-Лумпур (Малайзия)да ўтаётган «С» гуруҳи учрашувларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки турда Эрон вакилларига қарши тўп сурди.

Хабарингиз бор, жароҳати туфайли етакчи футболчиларимиз Мансур Саидов («Нефтчи»), Асрор Алиқулов («Пахтакор»)лар терма жамоа таркибидан жой олмаган. Мусобақанинг саралаш босқичи Ўзбекистон — Қатар терма жамоалари ўйинида майдондан четлатилган ҳужумчи Максим Шацких («Динамо» Киев, Украина) ҳам илк учрашувни томошабинлар орасидан кузатишга мажбур эди. Шу боис, бош мураббий Рауф Инилеев асосан таркибга янги қўшилган Виталий Денисов, Азиз Ибрагимов, Азиз Ҳайдаров каби бир қатор ёшларга ишонч билдирди.

Терма жамоамиз аъзолари учрашувни кутилганидан-да уюшқоқлик билан бошлашди. Бу эса рақиб футболчиларининг хатога йўл қўйишига сабаб бўлди. Натижада ўйиннинг 18-дақиқасида Эрон терма жамоаси ҳимоячиси тўпни ўз дарвозабонига узатаман, деб автогол соҳибига айланди. Шундан сўнг, руҳий устунликка эга бўлган ҳамюртларимиз ҳужумга зўр беришди. Аммо вакилларимиз қулай вазиятлардан унумли фойдалана олмадилар ва танаффусгача шу ҳисоб сақланиб қолди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳар иккала жамоа мураббийлари таркибда ҳамда ўйинда тактик ўзгаришлар қилишди. Бироқ бу ўзгаришлар фақат Эрон футболчилари фойдасига хизмат қилди. Терма жамоамиз аъзолари Улуғбек Бақоев, Тимур Копадзелар бир неча бор юзага келган

имкониятларни қўлдан чиқаришган бўлса, эронликлар икки маротаба Павел Бугало қўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олдилар. Шундай қилиб, дастлабки бўлимда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган Рауф Инилеев шогирдлари қитъамизнинг номдор жамоасига якунда 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришди. Албатта, бундан фожиа ясаш ярамайди. Футболчиларимизни олдинда Малайзия ва Хитой терма жамоалари билан бўладиган учрашувлар кутиб турибди. Агар вакилларимиз хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, қолган ўйинларда муваффақият қозонишса, кейинги босқичга йўлланма олиши табиий.

Дастлабки турда қайд этилган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, қитъа футболида бирмунча ўсиш ва ривожланиш юз берганлиги кўзга ташланяпти. Жумладан, Осиё чемпионати мезбонларидан Вьетнам, Индонезия, Малайзия терма жамоаларини кўпчилик олдиндан аутсайдерлар сифатида эътироф этишаётганди. Аммо илк турда вьетнамликлар БАА (2:0), индонезияликлар эса Бахрайн футболчилари устидан (2:1) ишончли ғалаба қозониб, башоратларни пучга чиқарди. Кутилган натижа фақат «С» гуруҳининг Малайзия — Хитой терма жамоалари ўйинида қайд этилди — 1:5.

Биринчи тур баҳсларини якунлаб берган «Д» гуруҳининг Жанубий Корея — Саудия Арабистони терма жамоалари учрашуви ҳам ниҳоятда муросасиз кечди. Унда жамоалар очко бўлишишди — 1:1.

Бугун мусобақанинг иккинчи тур ўйинлари бошланади. Унда Уммон — Таиланд, Қатар — Вьетнам терма жамоалари ўзаро куч синашадилар. Ҳамюртларимиз навбатдаги турда мусобақа мезбонларидан бири — Малайзия футболчиларига қарши майдонга чиқишади. Мазкур ўйин 14 июль куни бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО.

Шоҳмот

ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ

Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида 16 ҳамда 18 ёшгача бўлган шоҳмотчилар ўртасида Осиё биринчилиги бўлиб ўтди. Унда қитъанинг етти мамлакатидан келган юз нафарга яқин иқтидорли ёш шоҳмотчи ғолиблик учун дона сурди.

Швейцарча усулда ўтган 16 ёшгача бўлган қизлар мусобақасида қозоғистонлик Гулишхан Нақбаева 7,5 очко тўплаб, олтин медалга сазовор бўлди. Кейинги ўринлар ҳиндистонлик Бхакти Кулкарни ҳамда Радмани Роутларга насиб этди.

Худди шу ёшдаги ўсмирлар турнирида ҳиндистонлик В.Адҳибан 8,5 очко билан олтин медаль соҳиби бўлди. Кумуш медаль унинг ҳамюрти 7 очко жамғарган С.Нитинга насиб этди. 3-5 ўринларни бир хил — 6 тадан очко тўплаган ўзбекистонлик Ш.Мустафаев, А.Файзуллаев ва ҳиндистонлик С.Сетхураман эгаллашди.

18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида қозоғистонлик Айкерим Рисбоева 6,5 очко билан ғолиб бўлди. Кейинги ўринлардан бир хил — 6 тадан очко тўплаган ўзбекистонлик Юлдуз Ҳамроқулова, Нафиса Мўминова ҳамда ҳиндистонлик Киран Манишалар жой олди.

Шу ёшдаги ўсмирлар баҳси ўзбекистонлик

Андрей Квоннинг ғалабаси билан якунланди. У 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди ва халқаро спорт устаси унвони талабини бажарди. Кумуш медаль эронлик Хомаён Тоифичига насиб этган бўлса, қозоғистонлик Ринат Жумабоев учинчи ўринни эгаллади.

Аброр МЕЛИБОЕВ.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Интер-спорт

БРАЗИЛИЯ ФИНАЛДА

Венесуэлада Америка кубоги учун ўтказилаётган футбол мусобақалари якунланай деб қолди. Чорак финалнинг Венесуэла — Уругвай (1:4), Чили — Бразилия (1:6), Мексика — Парагвай (6:0), Аргентина — Перу (4:0) терма жамоалари учрашувларидан кейин ярим финалчилар номи маълум бўлганди.

Куни кеча Бразилия — Уругвай футболчилари ўртасида ярим финалнинг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақтида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Натижада 11 метрли пенальти тўплари тепиш бўйича Бразилия терма жамоаси 5:4 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга чиқди. Энди Мексика — Аргентина терма жамоалар учрашувидан кейин иккинчи финалчи аниқланади.

ЁШЛАР ЧЕМПИОНЛИК ОРЗУСИДА

Канадада 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати иштирокчилари 1/8 финал учрашувларини бошлашди. Маълумки, 24 жамоа олти гуруҳга бўлиниб, саралаш ўйинларини ўтказган эди. Энди 16 жамоа курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб турибди.

Кеча 4 та учрашув бўлиб ўтди. Бугун эса Чили — Португалия, Замбия — Нигерия, Аргентина — Польша ва Мексика — Конго терма жамоалари майдонга тушадилар. Ана шу ўйинлардан кейин чорак финалга йўлланма олган жамоалар сараланади.

Термиз шаҳар касб-ҳунар лицейи (ҳозирги Термиз озиқ-овқат саноати» касб-ҳунар коллежи) томонидан Шакиров Валижон Джумакулович номига 1998 йил 30 июлда берилган №2108 КХП-062394 рақамли диплом йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Madaniy mollar» республика ихтисослаштирилган улгуржи базаконтораси жамоаси «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси раиси Зафар Файзиевга фарзанди **АКБАРЖОН**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

f — 649
8578 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqt — 23.45
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda